



ISSN (E): 2181-4570

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЕТКАЗИЛГАН МОДДИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИ СОДДАЛАШТИРИШ

Назаров А. А., Усманова М. Н, Рахмат Б. А.

(Тошкент давлат транспорт университети)

Аннотация

Муаллифлар мақолада йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштириш ва унинг оқибатида моддий зарарларни қоплашни соддалаштириш усулларига тўхталиб ўтилди.

Abstract

In the article, the authors focused on the methods of simplifying the formalization of traffic accidents and the compensation of material damages as a result of them.

Калит сўзлар: йўл-транспорт ҳодисалари, тан жароҳати, орган ходимлари, билдиришнома, рамийлаштириш

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходими иштирокисиз расмийлаштириш тартиби жорий этилди.

Унга кўра, тан жароҳати билан боғлиқ бўлмаган йўл-транспорт ҳодисаларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими иштирокисиз билдиришнома тузиш орқали расмийлаштириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

– агар йўл-транспорт ҳодисаси иккита транспорт тўқнашуви натижасида содир бўлса (шу қатори тиркамали транспорт воситалари), шунингдек транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик мажбуриятлари мазкур қонунга асосан суғурталанган бўлса;

– йўл-транспорт ҳодисаси натижасида транспорт воситаси шикастланиши билан боғлиқ шароитлар, шикастланиш таърифи ва рўйхати йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари ўртасида келишмовчиликларни (низоларни) келтириб чиқармаса ва бу шароитлар йўл-транспорт ҳодисасига дахлдор транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан тўлдирилган билдиришномада мажбурий суғурталаш коидаларига асосан акс этирилса.

Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган бўлса, йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги





хужжатлар умумий тартибда кўриб чиқилади ва бу ҳолатда билдиришнома тўлдирилмайди.

Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирокисиз расмийлаштирилганида, йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги билдиришнома мазкур йўл-транспорт ҳодисасига дахлдор ҳайдовчилар томонидан икки нусхада тўлдирилиб, ушбу ҳайдовчилар томонидан уларнинг фуқаролик мажбуриятларини суғурталаган суғурталовчиларга йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида тақдим этилади.

Бундай ҳолларда суғурта товонининг жабрланувчига етказилган моддий зарар миқдори суғурта суммасининг 35 фоиздан ошмаслиги керак.

Йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги билдиришнома расмийлаштирилиб, суғурталовчига тақдим этилгандан сўнг етказилган моддий зарар миқдоридан ўзгариш аниқланса, суғурталовчи томонидан фақатгина суғурта суммасининг 35 фоиздан ортиқ бўлмаган қисми суғурта товони сифатида тўланади.

Йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари билдиришномани расмийлаштириши ҳамда мазкур ҳодиса содир этилган вақтдан этиборан тўрт соат ичида мастлик даражасини аниқлаш бўйича нарколомик диспансерларда ёки ушбу ҳудуддаги соғлиқни сақлаш идоралари белгилаган туман ва шаҳар даволаш-профилактика муассасасида текширувдан ўтиши лозим.

Йўл-транспорт ҳодисасининг икки томон иштирокчилари мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича тиббий текширувдан ўтказилганлик тўғрисида баённомани йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги билдиришномага илова қилиши шарт.

Биринчи навбатда, ДЙХХХ ходимлари чақирилади, бу эса ортиқча вақтни талаб этади. Жойга етиб келган ДЙХХХ ходимлари ЙТХ схемасини тузадилар, дастлабки тушунтиришларни олиб, баённома тузадилар.

Иккинчи босқичда ЙТХнинг барча иштирокчилари алкоголь истеъмол қилганлик ёки бошқа мастлик аломатларини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказилади. Кейинчалик, автоҳалокатнинг асосий ҳолатлари кўрсатилган баённома тузилади, унга ҳайдовчилар ва гувоҳлар берган тушунтириш хатлари илова қилинади. ЙТХ иштирокчиларидан ҳайдовчилик гувоҳномалари олиб кўйилади.





Сўнгра ҳужжатлар тўплами маъмурий иш кўриб чиқиладиган туман/шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг (ЙХХБ) Суриштурув бўлимига юборилади. Агар ҳайдовчи ЙТХда айбдор эмас деб топилса, етказилган зарарни баҳолаб ва барча зарур экспертизалардан ўтгандан сўнг, ҳайдовчилик гувоҳномаси унга қайтарилади ва автомобилни таъмирлашга рухсатнома сертификати берилади. Агар низо келиб чиқса, айбдорлик даражаси суд томонидан ҳал қилинади, бу ерда иш яна бир неча ҳафтага чўзилади.

Шундай қилиб, мавжуд тизим таҳлили унинг ЙТХ иштирокчилари учун ҳам, ДЙХХХ ходимлари учун ҳам мураккаб эканлигини кўрсатмоқда. Чунки ЙТХни расмийлаштиришга кўп вақт сарфланади. Шу боисдан, ЙТХнинг олдини олишга қаратилган профилактика ишларининг вақти қисқаради. Бундай ҳолда, йўл транспорт ҳодисасининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш масаласи бошқача тарзда ҳал қилиниши керак, бу ҳолат низо юзага келган тақдирда, зарар учун жавобгарлик масаласини ҳал қилишга имкон беради.

Чет эл амалиётига кўра, ушбу муаммонинг самарали ечими сифатида ЙТХ ҳақида хабар беришнинг ягона европа шакли – европротокол қўлланилиб, бу автоҳалокат ҳолатини тавсифловчи шакллар тўпламидан иборат бўлади. Шу билан бирга, ҳайдовчилар имзолар билан ўз розиликларини ҳам тасдиқлайдилар.

Европа мамлакатларида, европротокол орқали хабар бериш тартибини жорий этиш, ЙТХ иштирокчиларига зарарни қоплаш масаласини кераксиз материал ва ортиқча вақт ҳамда харажатларсиз ҳал қилишга имкон беради. Бу ўз навбатида, ҳайдовчиларга компенсация олиш учун суғурта ташкилотига мурожаат қилишда ЙТХ фактини мустақил равишда қайд этиш ва автоҳалокат жойини тезда тирбандликларни юзага келтирмай бартараф этиш имконини беради.

Европротокол тамойилларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштириш тартибини янада соддалаштириш амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришда қатор афзалликларни беради.

Хусусан, ушбу механизмни жорий этиш куйидаги ижобий натижаларга олиб келади:

ЙТХ иштирокчилари (ҳайдовчилар) содир бўлган аварияни ЙХХХ ходимини чақирмасдан ўзаро келишган ҳолда мустақил равишда расмийлаштиради;






ISSN (E): 2181-4570

ЙХХХ ходимини кутиш, баённомани расмийлаштириш, автотранспортни жарима майдониға олиб бориш ва бошқа ҳолатлар учун вақт сарфланмайди;
ЙТХ оқибатида юзага келадиган тирбандликлар баргараф этилади;
ЙТХларни расмийлаштиришда ортиқча қоғозбозликка чек қўйилади;
мажбурий суғурта пули тўланиши учун йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими томонидан амалга ошириладиган расмиятчилик ва суд қарорини кутиш талаб этилмайди.

Адабиётлар:

1. Усманова М.Н. «Математико-статистическое моделирование процессов безопасности дорожного движения. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 1991г.
2. Усманова, М. Н. (2020). Подход к решению проблем по обеспечению безопасности дорожного движения. <http://yelib.bsut.by/bitstream/handle/123456789>
3. Усманова М.Н. (2022). [Интеграция высшего учебного заведения и предприятия при подготовке специалистов по безопасности движения.](#) Экономика и социум 1-2 (92) 276-28.
4. Усманова, М. Н. (2020). Подход к решению проблем по обеспечению безопасности дорожного движения. <http://yelib.bsut.by/bitstream/handle/123456789/17>.
5. Усманова, М. Н., Юлдошев, Д. Ф. (2020). Пути повышения безопасности дорожного движения. Проблемы науки, (2 (50)). <https://cyberleninka.ru/article/n/puti-povysheniya-bezopasnosti-dorozhnoy-dvizheniya.pdf>
6. Усманова М.Н., Юсупов А. Методы исследования социально-экономических факторов, влияющих на труд водителей "Yekonomika i sotsium". - 1, 2022-йил.
7. Усманова М.Н, Абдуразакова Д.А. Упрощение возмещения материального ущерба, причиненного участникам ДТП. Журнал «Академия» издательство «проблемы науки». -№ 1 (72), 2022, 2022-йил. ИСРН 2542-0755
8. Usmanova M.N., Rahmat B.A. Bolalar ishtirokidagi yo'l-transport hodisalarini kamaytirishda tashviqot ishlarining o'rni. Journal of new century innovations 15 (3), 144-147





ISSN (E): 2181-4570

9. Усманова М.Н., Абдуразакова Д.А. [Упрощение возмещения материального ущерба, причиненного участникам ДТП](#) Academy, 24-26.2022
10. Usmanova M.N. [Yo'l-transport hodisalarida yevroprotokolni qo'llash](#). Journal of new century innovations 26 (3), 103-106
11. Usmanova M, Turg'unboev T, Madaminov I. [Piyodalarni bosib ketish hodisalari ekspertizasi umumiy uslubiyati](#). Journal of new century innovations 26 (3), 98.
12. Inatovich, A. B., & Aripovich, N. A. (2018). Ways quality increasing of exploitation of city bus capacity and traffic. European science review, (5-6), 374-376.
13. Nazarov, A. A. (2020). Organizatsiya gorodskogo zakaza na perezovozke passajirov v Uzbekistane. «Aktualnye voprosy sovershenstvovaniya texnicheskoj ekspluatatsii mobilnoy texniki» (pp. 236-240).
14. A.Nazarov, A.Ustabaev, A.Nazarov Method of determination of public passenger transport interval for "critical situations" Har. Edu.a.sci.rev. 0362-8027 Vol.1. Issue 1 Pages 157-164. 10.5281/zenodo.5795576.
15. A.Nazarov, A.Ustabaev, A.Nazarov Selection of rational order of buses in traffic routes Har. Edu.a.sci.rev. 0362-8027 Vol.2. Issue 1 Pages 14-19. 10.5281/zenodo.5908837.
16. Shavkat Alimukhamedov, Anvar Nazarov, Akmal Nazarov, Abdulla Ustabaev Estimation of the interval of movement of public passenger transport in the direction. Cite as: AIP Conference Proceedings 2432, 030055 (2022); <https://doi.org/10.1063/5.0090848> Published Online: 16 June 2022.

